

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий—сиёсий газетаси

1993 йил, 26 июнь • шанба

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

СЕШАНБА, ПЯШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

№ 73 (10.499). Нархи 10 сўм.

27 ИЮНЬ —  
МАТБУОТ ВА  
ОММАВИЙ АХБОРОТ  
ВОСИТАЛАРИ  
ХОДИМЛАРИ КУНИ

## БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТ  
ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ  
ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ  
ТЎҒРИСИДА

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг давлат истиқлол гоёларини тарғиб этиш, янги демократик жамият қуриш, аҳолини Ва танга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги хизмат

ларини эътироф этиб, шунингдек, журналистлар жамоалари, адиблар, олимлар ва кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватларини инобатга олиб:

1. Республика матбуот

ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини 27 июнь белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1993 йил 24 июнь.

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1993 йил 1 июлдан бошлаб қалам ҳақи, саҳналаштириш ва ижрочилик ҳақи ставкалари ҳамда миқдорларини ошириш ҳақида

Ижодкорлик жараёнини рағбатлантириш ва кучайтириш, айнакам халқ анъаналарини, маънавий-ахлоқий анъаналарини тиклаш ва янада ривожлантириш, умумбашарий қадриятларни қарор топтиришга хизмат қиладиган юксак бадний асарлар яратишни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Республика вазирликлари, идоралари, ижодий уюшмалари ва жамоат ташкилотларининг Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши 1978 йил 8 февралда қабул қилган 68-сонли қарор билан кино соҳасида белгиланган ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 1 апрелда қабул қилган 158-сонли қарор билан адабиёт, санъат, архитектура, телевидение, радио ва журналистика соҳаларида белгиланган муаллиф қалам ҳақи, саҳналаштириш ва ижрочилик ҳақи рўйхатининг амалдаги ставкаларини 1993 йил 1 июлдан бошлаб ошириш тўғрисидаги таклифлари иловага мувофиқ қабул қилинсин.

Бундан буён қалам ҳақи миқдори ва фондлари белгилаб қўйиладиган энг кам миқдордаги иш ҳақи мутаносиб равишда кўпайиб боради, деб белгилаб қўйилсин.

2. Вазирликлар, идоралар, ижодий уюшмалар ҳамда республика бюджетидан пул билан таъминланадиган бошқа манфаатдор ташкилотлар икки ҳафта муддатда Молия вазирлигига шу йилнинг 1 июлидан бошлаб 1993 йилнинг охиригача қалам ҳақини кўпайтириш билан боғлиқ қарарларни қоплаш учун зарур миқдорда қўшимча маблағ ажратиш тўғрисидаги ҳисоб-китобларни тақдим этсинлар.

3. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқлари агентлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Давлат матбуот комитети, Давлат телекўрсатув ва радиоэшиштириш компанияси, Давлат кинокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан бир-

галликда бир ой муддатда мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ қалам ҳақи тўлаш тартиби тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

4. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1978 йил 8 февралдаги 68-сонли қарорининг а, б, в, г, д бўлимларида ва 2-сонли иловада белгиланган муаллиф қалам ҳақи ставкалари ва миқдорлари қисми;

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 1 апрелдаги 158-сон қарори.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлими зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раяси

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1993 йил 23 июнь.

\* — Ушбу қарорга илова Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўпламида эълон қилинади.

### Ўзбекистон Мустақиллигининг икки йиллиги олдидан

## ҚУТЛУҒ САНА ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганлигининг икки йиллигини нишонлаш миллий санъатнинг, ўзлигини англаш, халқ маънавияти қайта тикланганлигининг ёрқин байрамга айланиши лозим. Маданият ходимларининг Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтган кенгашида шу ҳақда гапирилди. Кенгаш ёш мустақил республика ҳаётидаги шу шонли воқеага тайёргарликка бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев кенгашни очар экан, мустақилликнинг икки йиллигини байрам қилиш ёш мустақил давлатимизнинг халқининг бой маданияти, маънавий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналарини тиклашдаги, одамларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ютуқларини намоён этиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистонда ана шу воқеага тайёргарлик кўришга бағишланган икки ойлик эълон қилинди. Республика маданият ишлари вазирлигида тантаналарни ўтказиш штаби тузилди. Штаб бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштиради.

Икки ойга мўлжалланган дастур бир қанча кенг қўламли маданият тадбирларини ўтказишни кўзда тутди, бу тадбирлар республиканинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистонда ўтади. Санъат фестивалари, ҳаваскорлик жамоалари ва халқ ижодиёти кўриклари,

маданият арбоблари ва олимлар билан учрашувлар ана шундай тадбирлардандир. Музейларда, кутубхоналарда, республиканинг ўтмиши, ҳозирги кунини ва келажакни тўғрисида ҳикоя қилувчи конференциялар, семинарлар ўтказилади, кўргазмалар ташкил этилади. Истироҳат боғида ва майдонларда оммавий сайллар ўтади.

Ўзбекконцерт, давлат эстрадаси, ўзбек давлат филармонияси жамоалари республика вилоятлари бўйлаб гастролга чиқишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу жамоалар ижро этадиган куй, қўшиқ ва рақслар миллий анъаналарни ҳисобга олиб тайиланиши лозим.

Кенгашда сўзга чиққан вилоят ҳокимликлари ижроия аппаратлари маданият ишлари бошқармаларининг вакиллари мустақилликнинг икки йиллигини байрам қилиш юзасидан ўз таклифларини айтдилар, жойларда бу воқеага тайёргарлик қандай бораётганини сўзлаб бердилар. Масалан, Бухорода бошқа жуда кўп тадбирлар қатори «Хўжа Насриддин тақлиф этади» кўлги ва сатира танловини ўтказиш назарда тутилмоқда. Уни «Хўжа Насриддин» инсонпарварлик — ҳайрия жамғармаси ташкил этади. Андижонда эса «Гул-ла, яшна жонажон Андижон» санъат фестивали қизғин давом этмоқда. Навоий вилоятида халқ ижодиёти фестивали ўтмоқда. Тошкент вилоятида истеъдод кўриклари, санъат байрамлари давом этмоқда.

(ЎЗА мухбири).

## КЕЛАЖАККА ТЕРАН НАЗАР

Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонасида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг «Янги уй қургай туриб, эскисини бузган» рисоласини ўрганишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда маданий-маърифий муассасалар, кутуб-

хоналар раҳбарлари ва мутахассислар, маданият, адабиёт ва санъат намояндalari, китобхонлар иштирок этди.

Ўзбекистон республикаси Маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев анжуманни очар экан, мазкур рисола-

да мустақил Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойиллари те-ран баён этилганини таъкидлади.

Республика Олий Кенгаши маданият ва маданий ме-

росни асраш масалалари кўмитасининг раиси, халқ ёзувчиси Ширинкул Қодиров, М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти-нинг ректори Тошпўлат Турсунов, Навоий номидаги давлат кутубхонаси раҳбари Рустам Алимов, «Нафосат» журналининг бош муҳаррири Тилаб Маҳмудов ва бошқалар анжуманда сўзга чиқиб, ватан тараққиёти йўлида

ҳалол ва виждонан хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи экани, Президентимиз атрофида бирлашиб, фаолият кўрсатиш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Анжуман қатнашчилари «Ўзбекистон — суверен-демократик республика» мавзусидаги саккиз бўлимдан иборат китоб кўргазмасини кўздан кечирди.

(ЎЗА).

## • КУТЛОВ

Хунарни асрабон  
нетгумдир охир,  
Олиб тупроққаму  
кетгумдир охир.  
Алишер НАВОИЙ.

... Профессор Эркин Қосимов ассистент қиз олиб кирган бир парча қоғозга қайта-қайта кўз югуртирди-да, ҳаяжон билан бизга узатди:

— Мана бун қаранг, бир беморимиз менга атаб шеър ёзибди, одам галати бўлиб кетар экан...

Гарчи қоғоздаги битикларни «шеър» деб бўлма-са-да, мана шу олти қаторгина тўпори сатрда оғир ҳасталиқдан тузала бошлаган беморнинг ўз ҳалоскорига меҳр-муҳаббати, ишончи, ҳаётга умиди мужассам эди. Ким билсин, балки дунёдаги энг гўзал шеър мана шудир... Эркин ака уни авайлаб, шеърлар ва турли дил изҳорлари битилган бошқа қоғозлар орасига қўшиб қўйди.

— Эркин ака, бу ерда нуқул шоиртабиат кишиларни даволайсизларми ёки беморларингизнинг ҳаммаси шоир бўлиб тузалишадими? — сўрадик ҳазиллашиб.

— Унисиям, бунисиям! Профессорнинг руҳсати билан ана шу миннатдорчилик мактубларини кўздан кечириб эканмиз, рўпарамизда ўтирган салобатли, нозиктаб кишининг чиндан ҳам катта қалб эгаси эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Мана, мактублардан айримлари:

Нима деб ёзайин, Сизга,  
азним,  
Китобдек бўлингиз азиз,  
мукаррам.

Сизда яхшиликка  
эътиқод азим,  
Жаннатий дейилур  
Сиздайин одам!  
Камоли эҳтиром ила  
укангиз ШОИСЛОМ.

Қадрли Эркин Йўлдошев-  
вич!

Онамнинг тикланаётган  
сиҳат-саломатлиги учун сиз  
шифокорларга минг раҳмат!  
Қўлларингиз дард кўрмасин!

Миннатдорчилик билан  
МУҲАММАДАЛИ.

«Кўз илгамас хазина-  
лар» китобимиз Сиз раҳ-

барлик қилаётган мўъта-  
бар шифохонада давола-  
наётган чоғимда ёздим. Ка-  
моли эҳтиром ила шу ки-  
тобнинг бир нусхасини Сиз-  
га тақдим қиламан.

Академик  
И. ҲАМРОБОВ.

Азиз Эркин Йўлдошевчи!

Сизнинг меҳнатингиз —  
ҳар куни ва ҳар соатдаги  
жасоратдир!

Ёзувчи А. УДАЛОВ.

... Иккинчи Тошкент дав-  
лат тиббиёт олийгоҳи ич-  
ки касалликларни аниқ-  
лаш кафедраси мудири,  
умумий даволаш ва гепато-  
логия клиникасининг ди-  
ректори, профессор Эркин  
Қосимов бундай эътибор  
ва эъзозга осонликча эриш-  
гани йўқ. У илм йўлидан

ферментларни аниқлашнинг  
ўзига хос усуллари кўп  
мамлакатларда қўлланила  
бошланди.

Тошкентга қайтгач, 1976  
йилдан 1980 йилгача Тош-  
кент давлат тиббиёт олий-  
гоҳининг 1-даволаш кул-  
лиёти ички касалликлар-  
ни аниқлаш кафедрасининг  
мудири лавозимида ишла-  
ди. 1988 йилда шу кафед-  
ра мудириликка қайта сай-  
ланди.

Эркин Қосимов томони-  
дан ички табобатнинг тур-  
ли соҳаларига, тиббий ҳа-  
лоқ ва деонтология маса-  
лаларига, соғлиқни сақ-  
лашни ташкил этиш ма-  
салаларига оид 300 га  
яқин илмий ишлар эълон  
қилинган. Унинг илмий  
изланишлари ошқозон-ичак  
жигар ва юрак хасталик-  
лари муаммоларини ўз ич-  
ига олади. Унинг ҳамкор

лотинча атамалар луғатини  
ва қатор йўриқ-кўрсатма-  
ларни тузди. Эркин Қоси-  
мов 1990 йилда Ўзбекис-  
тон Халқ Академияси мух-  
бир аъзолигига сайланган.



ларини бевосита амалий  
иш билан боғлаб олиб бо-  
ришларидир.

Унинг қўлидан жуда кўп-  
лаб беморлар шифо то-  
пиб кетганлар. Ҳозир ҳам  
айнан профессорнинг ўз-  
ларига бир кўринишни, мас-  
лаҳатларини олишни истаб  
келаётганлар оз эмас. Эр-  
кин Йўлдошевчи имкони  
борича одамларнинг дард-  
ларини енгиллатишга ҳа-  
ракат қиладилар. Шунан-  
қа, бизнинг устозимиз ҳам-  
мага керак одам...

... Ҳа, катта илм соҳиби,  
моҳир шифокор Эркин Қо-  
симов чиндан ҳам эл ишон-  
чига сазовор бўлган бахт-  
ли инсон. Олийгоҳда бўл-  
ган кунимиз профессорга  
берадиган саволларимиз жу-  
да кўп эди. Афсуски, суҳ-  
батимиз ярмида узилди.  
Уни масъулиятли йиғинга  
чақириб қолдилар... Бу-  
гунги кунда умрининг олт-  
миш йиллигини мана шун-  
дай қайноқ меҳнат ва  
ижод қучоғида қаршилаёт-  
ган олимга катта муваф-  
фақиятлар тилар эканмиз,  
сўзимизни севимли шён-  
римиз Абдулла Ориповнинг  
Эркин акага бағишланган  
қўйидаги шеъри билан якун-  
ламоқчимиз.

# КЕРАКЛИ ОДАМ

шунчаки бормади, балки  
«иғна билан қудуқ қазиди»!  
Бунга ишонч ҳосил  
қилиш учун унинг ўтган  
даврлардаги илмий-амалий  
фаолиятига қисқача бўлса-  
да, назар ташламоқ kifоя-  
дир.

1957 йилда Тошкент тиб-  
биёт олийгоҳининг даво-  
лаш куллиётини имтиёзли  
диплом билан тугаллаган  
Э. Қосимов ўз меҳнат фао-  
лиятини шифокор-ордина-  
торликдан бошлади, сўнг  
даволаш ва касб касаллик-  
лари кафедрасининг ас-  
систенти бўлди.

1963—1966 йилларда Мос-  
ква тиббиёт олий билим-  
гоҳининг даволаш ва касб  
касалликлари кафедраси ас-  
пирантурасида ўқиб, ака-  
демик Е. М. Тареев раҳ-  
барлигида «Жигар хаста-  
ликларида сийдик тарки-  
бидаги альдоза ва тран-  
саминазларни аниқлашнинг  
ташхисий (диагностик) қим-  
матларини тадқиқ этиш  
тажрибалари» мавзусидаги  
номзодлик диссертациясини  
муваффақиятли ҳимоя қил-  
ди. Еш олим ишлаб чиққан

ликда ёзилган «Юрак ка-  
салликларини аниқлашда  
ташхиснинг хусусий ва  
фарқли қийинчиликлари»  
номли монографияси 1976  
-78 йилларда икки марта  
нашр қилинди ва у ҳозир  
ҳам даволовчи ва кардио-  
лог-шифокорларнинг энг му-  
ҳим қўлланмаларидан бири  
ҳисобланади.

Кейинги йилларда про-  
фессор Э. Қосимов юқори  
малакали илмий-педагог  
мутахассислар тайёрлашга  
кўп эътибор бераёпти.  
Унинг бевосита ёрдами  
ва маслаҳати билан учта  
докторлик ва ўнта номзод-  
лик ишлари тайёрланди.  
Ҳозирги кунда ҳам бир  
қанча докторлик ва ном-  
зодлик диссертацияларига  
раҳбарлик қилмоқда.

Эркин Қосимов ўзбек ти-  
лига давлат тили мақоми  
берилгандан кейин олий-  
гоҳда бу борадаги кўп иш-  
ларга ташаббускор бўлди.  
Ўзбек тилида «Ички касал-  
ликларни аниқлаш»  
дарслигини, ички касал-  
ликларни аниқлашда қўл-  
ланиладиган русча-ўзбекча

Бу ерда у «Шарқ табобати  
буюк олимларининг назар-  
ий ҳамда амалий фаолият-  
ини ва уларни ҳозирги  
замон даволаш ишларида  
қўллаш» бўлимини бош-  
қармоқда.

Эркин акада шуҳрат ҳам,  
амал ҳам, обрў-эътибор  
ҳам етарли. Лекин у «ме-  
нинг энг катта бойлигим ва  
суянганим — талабаларим  
ва шогирдларимдир» дей-  
ди. Дарҳақиқат, унинг  
кўплаб шогирдлари бу-  
гунги кунда эл хизматини  
бажариб, кўпларнинг дуо-  
сини олмоқдалар, илм йў-  
лида изланишлар қилмоқ-  
далар.

— Мен тиббиёт соҳасида  
биринчи бор ўзбек тилида  
диссертация ёзмоқдаман, —  
дейди домланинг шогирд-  
ларидан бири Гулираёна  
Маҳмудова. — Урта аср  
табобати ва унинг тадби-  
қи ҳақидаги бу номзодлик  
ишмига устозим Эркин Қо-  
симов раҳбарлик қилмоқ-  
далар. У кишининг биз  
ёшлар ибрат олса арзийди-  
ган ажойиб фазилатлари-  
дан бири — илмий иш-

Ажойиб шаҳри Тошкентда  
шифокор домла Эркинсиз,  
Беҳад хурмат, муҳаббатга  
сазовор домла Эркинсиз.  
Назокат, лутфу-эҳсон бирла  
элда топдингиз хурмат,  
Ҳамиша дўсту-эрга дўст,  
вафодор домла Эркинсиз.  
Ажабмас, аҳли тибдан  
хулқу-одоб излаган Сино  
Ризоман, деб кўринса сизга  
ошкор домла Эркинсиз.  
Демншлар, болари ҳам туҳфа  
айлар нина бирлан бол,  
Баайни қўлда шприц,  
дилда ашъор, домла  
Эркинсиз.  
Бировга яхшилик қилган  
гаҳи озор чеккайдир,  
Озор кўрманг дегайман ҳеч,  
беозор домла Эркинсиз.  
Бу давронда мудом яйраб,  
яшаб юрмак саодатким,  
Саодатда бўлингиз доим,  
пондор домла Эркинсиз.  
Ижод айлар тағин хушқуд,  
шифо топган бу Абдулло,  
Юрак меҳрин газал этди,  
сабабкор —  
домла Эркинсиз.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.  
«Тошкент ҳақиқати»  
муҳбири.

## • Вилоят ҳокимлигига

### Хадича Сулаймонова хотирасига бағишланди

Ўтган куни Тошкент вилоят ҳокимлигига ўзбек аёлларидан чиққан биринчи академик, давлат ва жамоат арбоби, юридик фанлари доктори, профессор Хадича Сулаймонова таваллуд топган куннинг 80 йиллигини хотирлаб илмий анжуман бўлиб ўтди.

Атоқли олиманинг шогирдлари, вилоят ҳудудидаги маъмурий идоралар ходимлари, таниқли ҳуқуқшунос олимлар, Тошкент юридик институтининг ўқитувчилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этган бу йиғилишда вилоят ҳокими муовини Б. Махситов Хадича Сулаймонованинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маъруза қилди.

Нотиқ ўз сўзида Ўзбекистон номини жаҳонга танитган забардаст ҳуқуқшунос

олиманинг ёрқин ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти ҳақида, унинг юксак инсоний фазилатлари тўғрисида тўхталди.

— Устозим Хадича Сулаймонова бор-йўғи эллик йил умр кўрган бўлсалар ҳам тасавурга сиғмайдиган даражада илмий ва маънавий бойлик яратиб кетганликларини аниқ ҳис қилиб туриб-  
миз, — деди маърузадан сўнг сўзга чиққан олиманинг шогирдларидан бири, кўп йиллар давомида республика адлия вазири бўлиб ишлаган, ҳозир халқ хўжалиги университетига фаолият кўрсатаётган профессор Мамлакат Восиқова, — ўта билимдон, маънавияти бой, кенг мушоҳадалар, фанимиз

ривожига беқийс ҳисса қўшган йирик аллома, айни пайтда бағри кенг устоз, ёшларнинг чинакам меҳрибон мураббийси эдилар. Мен Ўзбекистонда ҳуқуқ илмининг камол топшишида, етук кадрларни, мутахассисларни етиштиришда Хадича Сулаймонованинг хизматлари буюклигини алоҳида айтиб ўтишни истардим.

Мамлакат Собировна ода-  
нинг республика Олий суди-  
га раислик қилган йиллари-  
да Файзулла Хўжаев, Акмал  
Икромов, Абдулла Қодир-  
рий ишларини кўриб чиқиб,  
уларнинг пок номларини оқ-  
лаш, ҳақиқатни тиклаш йў-

лидаги хизматларини қайд қилди.

Анжуманда сўзга чиққан адлия соҳасининг тажрибали вакиллари Ҳалима Муҳиддинова, Комила Насимова, профессор Бердиёр Аҳмедов, вилоят суди аъзоси Толиб Рихсиев, опанинг жияни — тарих фанлари номзоди Қурбонгул Сулаймонова, вилоят прокурори Абдурашид Маннонов ва бошқалар академик Хадича Сулаймонованинг илмий-амалий фаолияти, ҳаётига доир маълумотлар, ҳозир тарихга айланган эсдаликлар ҳақида гапирдилар. Улар мустақил республикада инсон қадриятини юқори кўтаришга катта йўл очиб берган Президентимиз Ислоҳ Каримовга миннатдорчилик изҳор

этдилар, марҳума академик олиманинг анъаналарини давом эттириб, республикада ҳуқуқий давлатни барпо этиш, қонунчиликни такомиллаштириш, қонунчилик билан боғлиқ бўлган фанларни ривожлантириш йўлида сидқидилдан хизмат қилишга сафарбар эканликларини изҳор қилдилар.

Анжуман сўнгида вилоят ҳокими муовини Баҳодир Махситов яқинда Хадича Сулаймонова номи берилган Тошкент Давлат юридик институтига унинг хотирасига бағишлаб ташкил этилган музейга эсдалик совғаларини топширди.

ИНСОНПАРВАРЛИК  
ЕРДАМИ

Швеция Қизил хоч жамияти республикамизнинг суҳбатчини ва селдан зарар кўрган Самарқанд, Андижон, Наманган ва Жиззах вилоятлари аҳолисига ёрдам бе-

ришга қарор қилди. Ўзбекистон Қизил яримой жамияти номига 15 тонна юк, кийим-кечак жўнатилди.

(73А)



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

# ТАБИАТ ВА ИНСОН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТИИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ САҲИФАСИ

Пискент:

## ИЧИМЛИК СУВ МУАММОСИ ҲАЛ БЎЛАДИ

Сув курран заминида энг кўп тарқалган минерал ҳисобланади. Лекин, шунга қарамай унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш энг муҳим муаммолардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Айниқса, аҳоли, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни оби-ҳаёт билан таъминлаш муҳим ўрinda туради. Аҳоли сонининг кўпайиши, саноат ишлаб чиқариши қувватларининг ортиши, янги ерларни ўзлаштириш унга бўлган талабни кескин оширмоқда. Бунинг оқибатида аҳолини сув билан таъминлаш камаймоқда.

Масалан, Тошкент вилоятидаги шаҳарларда истиқомат қилувчи аҳолини сув билан таъминлаш эҳтиёжнинг 70—80 фоизини ташкил этмоқда, ёз ойларида эса у 60—70 фоизгача камайди. Қишлоқ жойларини ичимлик сув ва хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатиладиган оби-ҳаёт билан таъминлаш таҳлил қилиш бу кўрсаткич эҳтиёжнинг 40—70 фоизини ташкил этишини кўрсатди. Бунинг устига ичимлик сувнинг сифати ёмонлашиб бормоқда. Баъзи жойларда ҳатто санитария талабларига жавоб бермаяпти.

Айниқса, Пискент районидаги аҳоли манзилгоҳларини хўжалик-ичимлик сув билан таъминлашда қонидарсиз аҳвол вужудга келди. Бу ердаги гидрогеология шароитларининг ўзига хослиги табиий сувда турли хил аралашмаларнинг борлигини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, дарё сувини санитария иншоотларидан ўтказиш йўлга қўйилмаган. Саноат майдонларини қуриш, уй-жойларини барпо этиш кенгаётган бир шароитда Олмалиқ шаҳрида канализация тармоқлари талабдан 30 фоиз кам бўлиб турибди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши-

да минерал ўғатлардан фойдаланиш ҳамда суғорма деҳқончилиги шунга олиб келдики, бу минтақадаги ерости сувлари ичиш учун амалда яроқсиз бўлиб қолди.

Сув тарқатиш иншоотларидан фойдаланишда санитария қовдаларининг қўпол равишда бузилиши ҳам ичимлик сувлар сифатининг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда. Бундай иншоотларда санитария муҳофазаси жойлари йўқ, атрофлари ўраб олинмаган, ахлатлар уюмлари тўпланиб ётибди. Бунинг натижасида райондаги бир неча хўжаликлар ҳудудларида жойлашган сув тарқатиш иншоотларининг кўпчилигини назорат қилувчи органлар ёпиб қўйишга мажбур бўлдилар. Натижада бу хўжаликлар аҳолисини ташиб келинган сув билан таъминлашга тўғри келди. Шунинг ҳисобга олиб биз Тошкент вилояти ҳокимлигига Олмалиқ саноат минтақасини экологик соғломлаштириш ва Пискент райони аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш бўйича ишлаб чиққан лойиҳамизни кўриб чиқишни таклиф этдик.

Вилоят ҳокими ҳукумат қарори лойиҳасида баён қилинган таклифларни амалга ошириш анча вақтни талаб қилишини ҳисобга олиб, ана шу хўжаликларини муваққат схема бўйича сифатли ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан қарор қабул қилди. «Ўзбекидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент гидрогеология экспедицияси ҳулосаси бўйича вақтинчалик сув билан таъминлаш тадбири тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Пискент райони аҳолисини ГОСТ талабларига жавоб берадиган ичимлик сув билан таъминлаш масаласини тўла ҳал қи-

лиш мақсадида Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси давлат табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг марказлашган водопровод тармоғини лойиҳалаш ва қуриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади ҳамда бу масала юзасидан шу йилнинг 4 майда фармойиш чиқарди.

Бу фармойишга мувофиқ ушбу иншоотни қуриш бўйича буюртмачи ва бош пудратчи вазибалар республика «Оби ҳаёт» лойиҳалаш-қурилиш бирлашмаси зиммасига юклатилди. Вилоят ҳокимлигига сув таъминоти иншоотлари қурилиши учун бир ой муддат ичида ер ажратиб бериш ҳамда Олмалиқ саноат минтақаси корхоналари ва ташкилотларининг водопровод қурилишида улушли иштирок этиши ҳажмларини белгилаш топширилди. Қўрғонлар ичидаги водопровод тармоқларини қайта қуриш ва қуриш Пискент райони хўжаликларни кучи билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси шу йилнинг 1 сентябрга «Ўзгипросельхозводоснабжения» институтига сув тарқатиш иншоотларини лойиҳалаш учун маълумотларни тақдим этиши лозим. Бу йирик водопровод тармоғи қурилиши келгуси йилнинг январда бошланиб 1995 йилда тугатиланади.

Ҳа, Пискент районини сув билан таъминлаш муаммоси катта ва мураккабдир. Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор эса бу муаммо яқин йиллар ичида тўла ҳал қилиниши учун ишонч туғдиради. Эндиликда ҳамма гап бу иншоотни маблағ билан таъминлаш, лойиҳалаш ва қуришда қатнашадиган барча ташкилотлар ва муассасалар ҳамкорлигини ҳар томонлама кучайтиришлари, барча куч-қайратларини қурилишга ҳукумат қароридан белгиланган муддатларда тугатишга сафарбар этишлари лозим. Бу хайрли ишда сусткашликка асло йўл қўйиб бўлмайди.

Т. ЭРГАШЕВ,

Тошкент вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.



• Оюҳ бўлинг!

## МЕЪЁРИНИ БИЛИШ КЕРАК

Ез бошланди. Қуёш нурида қорайишни истовчилар кўпаяди. Бироқ ультрабинафша нурланиш, оддий қилиб айтганда қуёш нури остида қорайишнинг ҳам меъёрини билиш керак. Чунки, у ҳар доим ҳам фойдали бўлавермайди. Бу нурлар кўпинча

оғир касалликларнинг ривожланишига туртки бериши мумкин.

Офтобда узоқ вақт туриш шунга олиб келадики, қуёш нурлари бадан қурган барча ҳимоя қатламларини тешиб ўтади. Узун тўлқинли нурлар, масалан, пайнинг ағи-

лувчанлигини бузади. Терининг барвақт қаришига сабаб бўлади. Қуёш нурининг қисқа тўлқинли қисми тери раки (меланомет)нинг ривожланиши ва авж олишини тезлаштиради.

Айниқса, қирқ ёшдан ошган йишилар қорайишда эҳтиёт бўлишлари лозим. Юрак, қон-томирлари, ички органларнинг сурункали касалликлар билан оғирланганга ҳам шу маслаҳатни берамиз.

◆ БУ СЎЛИМ табиат манзаралари вилоятимиз ва республикамиз пойтахтида олинган. Чапдаги сурат Бўстонлиқнинг гўзал табиий қиёфасини акс эттирса, ўнгдагисидан шаҳримизнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган Анҳорбўйининг кўриниши тасвирланган.

Д. АҲМАД ва Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган суратлар.



ДОНАБОЙ КЎЧАТЛАРИ. «МУСТАҚИЛЛИК», «ТИНЧЛИК», «МУРУВВАТ», «ОЗОДЛИК»

Агар бизнинг жамоа ҳўжалигимизда икки-уч на фар ҳақиқий табиат жонкуари бор бўлса, улардан бири албатта, Донабой Алимовдир. Бу йигитнинг касби-кори турли хил мева...

Донабой данак экишни ўзининг ҳовлисида бошлайди. Аввалга унинг бу ишни отаси Ортиқбой акага бироз эриш туюлди.

Полиа, сабабот экинларини энди қаерга экилади? Ҳа, уларни бу ишни отаси Ортиқбой акага бироз эриш туюлди.

Кейинги икки-уч йилда Донабойнинг ҳаёти кўпгина қизиқарли воқеалар содир бўлди. У батаниларга ўшаб, кўчат етиштириш баҳонасида ҳўжаликдан ер сўраб ўтирмади. У дўшисини бошидан олиб, бундай ўйлаб қараса, ташландиқ ерлар кўп. У ариқ-зовурларнинг ен бағирларига, кекса дов-драхтларнинг оралирига, пай калларнинг ва йўлларнинг четкаларига данаклар эки бошлади. Ҳадемай дала-ларда, Донабойнинг дуркун-дуркун кўчатлари кўкка бўй чўза бошлади.

Донабой бу йил 80 минг сўмлик кўчат сотди. Яна кўплаб кўчатлар етиштирмоқда. Улар ўрик, шафтоми, олма, ёнғоқ кўчатларидан иборат. Донабой ўз кўчатларига «Мустақиллик», «Тинчлик», «Мурувват», «Озодлик» каби номларни қўйган. Аввал унга ҳосил қилишди. Қани энди, Донабойлар сафи кенгайса. Ҳамма ҳам табиатсевар бўлса. Она дёғирмиз бор-роғларга янада кўпроқ бурканган бўларди.

Ҳасан ОТА, Бекобод, Навоий номили жамоа ҳўжалиги.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси коллеиянинг кўчма мажлисларини экологик аҳоли мураккаб бўлган регионларда ўтказиш амалиятини бу йил ҳам давом эттирмоқда. Шундай мажлисларнинг бири Охангарон шаҳрида бўлиб ўтди ҳамда унда бу ерда экологик аҳоли ва уни яхшилаш бўйича чоралар шайхонлар, ташкилотлар ва муассасалар жамоалари, қатор республика ва вилоят ташкилотлари вакиллари, мутахассислар иштирокида атрофда муҳофазат қилинди.

Маълумки, Охангарон шаҳрида 15 та санатор, 6 та автотранспорт, 88 та кичик корхона ва ширкатлар ишлаб турибди. Хар йил доимий ва кўчма манбалардан ҳавога чиқарилаётган чиқиндилар ҳажми 28 минг тоннани ташкил этмоқда.

Худудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси М. Шоматов шундай мисолларни келтирар экан, шаҳар ва унинг атрофида ҳаво ва сувни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларни қўлайитириш бўйича қилинаётган ишлар ва мавжуд камчиликлар ҳақида батафсил тўхталиди. Агар 1989 йилдан 1991 йилгача табиатни муҳофаза қилиш ишлари учун 3 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланган бўлса, ўтган йили бу ҳаражат миқдори 15 миллион сўмликка етди. Бу ҳавога зарарли моддаларни чиқаришни 5 минг тоннага камайтириш имконини берди. Айни вақтда 104,5 минг куб метр ҳажмидаги ичимлик суви тежаланди бўлди, оқова сувларни шаҳар ичиди оқиси тўла тўғаллади.

Охангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасида қатор ички тадбирлар амалга оширилди. Ҳўмладан 4-аъланувчи пещида электрфильтр ўрнатилди. Бу клинкер чангини атмосферага чиқаришни бир йилда 2,2 минг тоннага камайтирди. Цемент солиб қўйилган катта ҳажмидаги идишларда ўрнатилган

махсус мосламалар цемент чангини учинини 300 тоннагача қисқартирди. Цементни паст ҳароратда тайёрлаш тажриба-синов заводи кўйдириш пелларидан чиқадиган зарарли моддаларни уч босқичда тозаловчи тизимнинг тажриба намунаси ишлаб турибди. «Сантехлит» заводи қуюв пещининг лой тайёрлаш участкаси чанг-гардин тозаловчи тизим билан таъминланди. Бу зарарли моддаларни чиқаришни ўларча тонна камайтирди. «Қурилиш пластмассаси» комбинатида газ чиқиндиларини тозалаш бўйича

ҲАМОН ҚОНИҚАРЛИ ДЕБ БЎЛМАЙДИ

қурилмани тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳавонинг муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни кўриш натижасида шаҳар атмосферасида, шунингдек районда ҳам зарарли моддалар анча камайди. Ҳозир уларнинг йўл қурилиши миқдори нормадан ортиқ бўлмоқда. Формальдегид ва бошқа шундай каби айрим қимёвий моддалар бўйича эса янада камайди. Сув ресурсларини фойдаланиш учун яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Ҳўмладан Охангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасида тоза сувни тежаш 48—50 фоизни ташкил этди. «Қурилиш пластмассаси» комбинатида 80—90, «Сантехлит» заводида 60 фоизгача тоза сув тежалмоқда. Ер ресурсларини, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасида ҳам айрим ишлар

амалга оширилди. Охангарон райони ҳўжаликлариди алмашалаб экиш 100 фоиз ўзлаштирилди, биологик усул қўлланилмоқда. Мажлис иштирокчилари табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга асосий эътиборни бу муҳим соҳадаги камчиликларга, фойдаланилмаётган имкониятлар, ҳал қилинишни кутаётган муаммоларга қаратдилар.

Охангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасида газ тозалаш қурилмаларини носоз ҳолатда

қурилмани тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳавонинг муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни кўриш натижасида шаҳар атмосферасида, шунингдек районда ҳам зарарли моддалар анча камайди. Ҳозир уларнинг йўл қурилиши миқдори нормадан ортиқ бўлмоқда. Формальдегид ва бошқа шундай каби айрим қимёвий моддалар бўйича эса янада камайди. Сув ресурсларини фойдаланиш учун яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Ҳўмладан Охангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасида тоза сувни тежаш 48—50 фоизни ташкил этди. «Қурилиш пластмассаси» комбинатида 80—90, «Сантехлит» заводида 60 фоизгача тоза сув тежалмоқда. Ер ресурсларини, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасида ҳам айрим ишлар

амалга оширилди. Охангарон райони ҳўжаликлариди алмашалаб экиш 100 фоиз ўзлаштирилди, биологик усул қўлланилмоқда. Мажлис иштирокчилари табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга асосий эътиборни бу муҳим соҳадаги камчиликларга, фойдаланилмаётган имкониятлар, ҳал қилинишни кутаётган муаммоларга қаратдилар.


қазди. Ўтган йили бундай тадбир 59 марта амалга оширилди. Бу текширишлар натижасида экологини қўлдан-қўл бўйича қўйилган оқибат ташланди. Бу йўлдан кам-чиликлари учун 87 нафар мансабдор шахс жарима билан жазоланди. Технологик асбоб-ускуналарни исхлар ва участкаларни тўхтатиб қўйишга борилди. Сақлам 250 минг сўмлик даъво билан чиқилди. Табиатни кўп даражада ифлослангирганлиги учун 2 та жиноий иш қўзғатилди.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси коллеиясининг кўчма мажлиси шаҳримизда ўтатганидан мамнунмиз. — деди Охангарон шаҳар ҳокими А. Раҳимов. — унга тайёргарлик шаҳарда табиатни муҳофаза қилиш ишларини жонлангирганга сабаб бўлди. Кўпчилик раҳбарлар, бу иш билан яқиндан шуғулланидилар. Улар экологик муаммоларни ҳал қилиш учун янгича муносабатда бўлишати, экология бўйича белгиланган дастурларни бажаришга астойдил киришилдилар.

Бугунги мажлис ҳам жибойи натижалар беради, деб бемалол айтиш мумкин. Коллеиянинг кўчма мажлисида якун ясаган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Т. Эргашев бу регионда атроф-муҳитнинг мусофоллигини таъминлашга қаратилган анчагина ишлар қилинишига қарамай ҳали экологик аҳоли кўнглидаги эмаслигини, талабга тўла жавоб бермаслигини таъкидлади. Чўчки ҳозир вақтда шаҳар бўйича ҳавога чиқарилаётган чиқиндилар 21,5 минг тоннани ташкил этиб турипти. Охангарон шаҳрида эса 35 минг аҳоли яшамоқда. Демак, зарарли чиқиндилар миқдори ҳар бир киши ҳисобига деярли бир тоннани ташкил этади. Бу катта ташвиш тугдирмоқда.

Коллеиянинг кўчма мажлисида регионда табиатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинди.

Ч. ПЕРЕПЕЛЦИНА



ТОШКЕНТДАГИ ҳайвонот боғида дунёнинг турли бурчалардан келтирилган жонивор сақламоқда. Бу ерда келган кексаю йшлар бошқа ҳайвонларнинг асосли бегемотлариникидан қимбатроқ томоша қиладилар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

БОҒГА КИРГАНДЕК БЎЛАСИЗ

Бу цех ҳудудига кирсангиз баҳри-дилангиз очилди. Ҳзи катта майдонни эгалламаган бўлсада унинг бағрида экинзорлар, янги даракторлар қатори уриб ётибди. Етиштирилаётган турли-туман сабазотларнинг ҳисобга олиб, бундай ерлардан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, хомаш ва бошқа нарсалар таркибидидаги мавжўд радионуклидларнинг нозорат қилиш лозими.

Б. ЦИПЕРСОН, Тошкент вилояти СЭС радиацион хавфсизлиги бўлими мудири, Г. АРКДАСКИН, Тошкент вилояти СЭС врач-методисти.

Цех атраф-муҳитнинг мусофоллигини таъминлашга қаратилган қатор бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилипти. Ҳз минг тонна узум шарбатини сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган цех ҳудуди доира имкониятларидида фойдаланиш лозими, дейди Тошкент янги комбинати Паркент тумани Қорақалпоқ қишлоғидаги узумни қайта ишлаш цехи бошлиғи Зухридан Ҳамидов. — Экинзорлар, боғлар яшилди, ҳосили билан ҳўзур бахш қилишдан ташқари цех ҳудудидида экологик аҳорни-хизматчилар дастур-ҳўннига тортилади. Оқилган мевали даракторлар ҳўслага кирадиган вақт ҳам яқинлашиб қолди.

Мутахассис минбари АБАДИЙ ҚОҢУНИЯТ

Тарих, мерос, миллий қадриятларни билмай туриб миллий гуруҳни шакллантириб бўлурмикун? Гуруҳ ва ифтихор бўлмас миллат ва Ватани қадрлаб ҳам бўлмайди. Қарияларимиз сувга туғилма ва ифлос нарсани ташлама, кеч бўлганда уй олдин суғурма, тирик жонотга озор берма, гўёх ва даракторларини синдирма, нонни тик туриб ема дегувчи эдилар. Бугунчи? Дунёдаги ҳамма ифлос нарсаларни сувга ташлаймиз, дов-даракторларни аевсиз синдиришимиз. Нонларни кўчаларга ташлаймиз. Айрим паёт ўқибди қоласан, киши. Нега бугун касаллик кучайиб кетапти? Сарик касаллик қаёқдан келди? Юртимиз мевага қон бўлса, кўёш нури чекса нур соқасю, биз касалланаск. Жавоб бигта Ифлосликдан. Касал бўлмаслик учун биринчи навбатда атроф-муҳит тоза бўлиши, ёз мевадан тўйиб истеъмол қилиш лозим. Қолаверса, қишлоқларда сувлар мусоффо ва тоза бўлиши, ҳамма жойда ям-ишил кўкатлар ва гуллар бўлиши, истеъмол қилаётган нарсанг, тарбиби тоза бўлиши лозим.

Осуда турмуш ривожланишининг ва саломатликнинг заминидир. Шукурлар бўлсинки жумҳуриятимизда осудалик ҳўкм сўрмоқда, бу яхшилик нишонасидир. Эндиликда ермиз, осмонимиз, бойликларимиз яна ўзимизники бўлди. Бу бойликларни сақлаш, муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш учун Ўзбекистон республикаимизнинг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қўнуни қабул қилинди. Бу қўнунда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳўқуқий-иқтисодий асослари белгилаб берилди. Ҳзбу қўнунда жумҳуриятимиз ер, су, ўрмон, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини уларни муҳофаза қилишга қолмай ундан оқилона фойдаланиш кўрсатилган. Бундан буён ҳавонини бузишда завод, фабрикалар, ташкилотларнинг табиатга етказган зарарини ҳисоблаб чиқиш лозим бўлади. Энди зарарнинг олдини олиш ва йўқотиш чоралари ва тизимини ишлаб чиқиш лозим. Ҳеч нимга сир эмас, бизда атроф-муҳитни ифлослангиратган, табиатга зарар етказган шундай заводлар, ташкилотлар анча-мунча бор. Ҳа, табиатда неки мавжуд экан, у ўлчовлидир. Бу меъёр ўзгартирилса табиатда кўз илганмас шикастликлар пайдо бўлади. Оқибати эса ўширилиш, емирилишлар билан тугайди.

Биз яшаётган заманининг бир қонунияти бор — бу абадий қонуниятдир, демак заманда битмайдиган, тугамайдиган неъматнинг ўзи йўқ. Биз эса бундан доимо оғоҳ бўлмоғимиз зарур. Бундан буён қаерда қандай завод, корхона ёни сува омбори ва бошқа ҳар қандай иншоотнинг қурилиши лойиҳаси аввало экологик экспертиза қилиниши керак. Бугунги кунда ўйланмай қурилган айрим иншоотлар ҳам табиатга, ҳам жамиятга катта моддий ва маънавий зиён етказмоқда.

Биз яшаётган Ангрек шаҳри умуман яшиллиги бўйича жумҳуриятимизда олдинги ўринда туради, аммо экинган яшил бойликларни сақлаб қолишда, афсуски ундай деярли йўқ. Кейинги 20 йилда ҳар йили манзарали ва мевали даракторлар экилади, аммо улар кўккаганда эди, шаҳримизда тангалек жойга оғибот тўшмас эди. Бизда экиладиган эрдан чиқадиган кўплаб даракторларнинг қўриб кетилишига асосий сабаблардан бири эзда сув етишмаслиги, қаровсизлидир.

Ангреда эзда ёввойи ўтларга «қарши кураш»нинг антика усули кашф қилинган; ёввойи ўтларга олов пурак ва ёни ўқотаман, деб ям-ишил нобўй ўсимликлар ҳам бирга кўйиб кул бўлади, бу ҳодисани ҳамма кўради, аммо лоқайдлик қиламиз. Бу ҳар йили давом этади. Биз эса томошабинимиз, чўчки даракторни экиб ўстириш қийинлигини тўла ҳис қиламиз.

Маълумки манзарали ҳавонини тозаловчи даракторлар керак, аммо яна бир тақлифимиз боғларнинг атрофидида ҳавонини тозаловчи ўзидан пеланидиган мода (микробларни кирувчи) чиқарувчи жийдалар экиш лозим. Бу ҳосилатни ўсимлик кам меҳнат талаб қилмайдиган, нитроминга бой, қон босимига даво мена беради, боғларда девор вазиғасини ўтайди. Шаҳарда мевали даракторларни кўлайитираск ҳаммининг қўзи тўйди. Бугунги бозор иқтисодиётига ўтш даврида нарх-наво баланд. Энг зарур қурилиш материаллари, озиқ-овқат ҳақида гапирилганда юрағинг орқага тортиб кетади. Бу яндай аҳвол абадий давом этмайди, албатта. Бу кунлар ҳам ўтиб кетади, жумҳуриятимиз қелажаги ойдин.

Мени яна бир нарсга таажубгоа солади, шаҳардаги кишиларни иссиқ ва совуқдан, қор ва ёмғирдан асровчи сонболлар талон-тарож қилинмоқда, аммо ҳеч ним бундай зарар ташвишланманпти. 5—10 дахсида бир вақтлар болалар ва катталар дам оладиган майдон ва шинам шийлон бор эди (ҳозир фақат девори қолган). Унинг ускуналарини одам шиклидаги нуҳсалар ташкиб кетмақдалар.

Эндиликда унутилган удумларимизни тиклашимиз, ўз она табиатимизни сақлаш ва келажак авлодлар учун асраш муқаддас бурчимиз, деб тўшунмоғимиз лозим. Шундангина аҳлоқ-одоб, меҳр-оқибат, халоллик, инсоф-тоғфирини тарғиб қилган бўламиз.

Давир ТЎХЛИВ, Тошкент вилояти давлат педагогика институти тиббиёт-география куллиетининг декани, профессор.



## ИҚТИСОДИЙ ДАСТАКЛАР АМАЛДА

Сўнги йилларда республикамизда экологик муаммоларни ҳал қилишга катта эътибор берилмоқда. Республика Президент И. А. Каримов ўзининг қатор маърузалари ва нутқларида бу масалага алоҳида ўқталиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунининг қабул қилиниши бу соҳада катта воқеа бўлди. Давлат табиатни муҳофаза қилиш органлари фао-

лиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланиши экологик вазиятни соғломлаштириш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни кучайтириш ишларининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жойларда табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тузилапти. Бу жамғармаларга табиатдан фойдаланганлиги учун тўловлар, атроф-муҳитни нормадагидан ортинча ифлослантиргани учун, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини буз-

ганлиги учун ундириладиган жарималар тушмоқда. Пойтахт вилоятимизда ҳам бу соҳадаги ишлар анча жонланди. Табиатни ифлослантираётган корхона-ташкilotлардан жарима олишда қатъийлик кучайди. Шу тўғрисида ҳам йил-мизнинг 1 июнигача маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига 27 миллион сўмликдан ортинча маблағ тушди. Табиатни белгиланганидан ортинча ифлослантирган Олмалик қонметаллургия комбинати бу жамғармага 6,6 миллион

сўм маблағ ўтказди. Тошкент ГРЭСининг тўлаган жаримаси эса деярли 4 миллион сўмни ташкил этди. Ўзбекистон металлургия заводи, Ангрен ГРЭСи, Оҳангарондаги цемент, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа қатор корхоналар ҳам жамғармага юзларча минг сўмлаб маблағ ўтказдилар. Умуман, вилоятда ифлослантирувчи моддаларни нормадагидан ортинча чиқарувчи 78 та йирик корхона бор.

Шу йилнинг биринчи чорагида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамғармасига 17 миллион сўмдан ошиқ маблағ тушди. Бу жамғармалар тўғрисида-

ги Низомга мувофиқ тушган маблағлар табиатни муҳофаза қилиш бўйича йирик тадбирларни амалга оширишга, биринчи навбатда Ангрен — Оҳангарон — Олмалик, Чирчиқ регионлари ҳамда Чирчиқ, Бўзсув дарёларининг сувни муҳофаза қилиш минтақаларидаги экологик аҳволни яхшилашга сарфланади. Ҳисобларга қараганда, йил охиригача тушадиган бу маблағ миқдори эллик миллион сўмгача боради. Табиий муҳитни ифлослантираётган, теварак-атрофга нормадагидан ортинча чиқиндилар тарқатаётган корхоналарни аниқлаш бўйича ишлар давом этаверади.

А. СУЛТОНОВ.

## ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАҲАЛЛИЙ ЖАМҒАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 майда чиқарган 246-қарори билан табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунига мувофиқ бундай жамғармалар барча вилоятларда тузилади. Улар атмосфера ҳавосига зарарли моддаларни тарқатиш, оқова сувларини оби ҳаёт манбаъларига қўйишни камайтириш, тулроқ ифлосланишининг олдини олиш, чиқиндиларни камайтириш ва улардан фойдаланишни йўлга қўйиш, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини сақлаш ва кўпайтириш бўйича ҳудудий ва тармоқлараро тадбирларни маблағ билан таъминлаш учун ташкил этилмоқда.

Маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари турли манбаълардан олинган маблағлардан ташкил топади. Улар орасида табиатдан фойдаланиш ва нормадагидан ортинча чиқиндиларни чиқарганлиги учун тўловлар, атроф-муҳитга турли йўллар билан етказган зарар учун ундириладиган жарималар, ўзининг хўжалик фаолияти билан табиатга зарар етказган корхоналар, ташкilotлар ва айрим шахслардан олинган маблағлар ва бошқа шу каби тушумлар бор.

Бундай маблағларни ташкил этишда корхоналар, муассасалар ва таш-

килотларнинг биргаликдаги табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини пул билан таъминлашда улушли иштирок этишлари учун туланадиган пуллари ҳам фойдаланилади. Корхоналар, муассасалар, ташкilotлар ва фуқаролар шунингдек ҳайр-эҳсон билан шугулланувчи ташкilotлар ва жамғармалар ҳам ўз улушлари билан қатнашишлари мумкин. Умуман Республика қонунчилиги ман этмаган барча манбаълар ҳисобига бойиб боради.

Табиатни муҳофаза қилиш фондларини шакллантириш учун Ўзбекистон Деҳқончилик саноати банкнинг тегишли бўлинмаларида бюджетдан ташқари махсус ҳисоблар очилади. Табиатни муҳофаза қилиш ишига баҳоликудрат ёрдам беришни истаган корхоналар, ташкilotлар, муассасалар, кичик ва қўшма корхоналар, фирмалар, ширкатлар, шунингдек, масъулияти чекланган барча жамиятлар, фермер хўжаликлари, фуқаролар учун қўйидагиларни маълум қиламиз:

Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитети табиатни муҳофаза қилиш жамғармасининг ҳисоб-китоб счёти Тошкент вилоят деҳқончилик саноати банкда бўлиб, у 000142335 сонли, МФО 172723424. Почта манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, 700143, Мирзо Улуғбек райони, Буюк япак йўли кўчаси, 235-уй.

## ЎРМОНЛАРИМИЗ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузурдаги жамоатчилик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ҳудудидаги ўрмонларни муҳофаза қилиш ва уларни тиклаш ишларининг аҳволи муҳома қилинди.

Мажлис таъкидлашча, вилоятдаги ўрмон хўжаликлари, жамоа ва давлат хўжаликлари табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини янада кучайтирдилар. Ўсимликлар дунёсини ҳимоя қилиш бўйича муайян ишларни амалга оширдилар. Ўрмон хўжаликларини ривожлантириш бўйича белгиланган ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг кўпчилиги қисми бажарилди. Шу билан бирга ўрмон хўжаликлари ишида катта камчиликлар ва нуқсонлар бор. Бу табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига салбий таъсир этмоқда. Шундай ҳам мураккаб экологик аҳволнинг ёмонлашишига олиб келаяпти.

Ўтказилган кўпгина текширишлар шунини кўрсатдики, ўрмон хўжаликларидан ўсимликлар дунёсини сақлаш талабга жавоб бермайдилар. Агар дастлабки вақтларда экилган кўчатларнинг сақланиши 75 — 80 фоизни ташкил этса, кейинчалик 40—50 фоизгача камайиб кетмоқда. Кўпчилик ўрмон хўжаликларидан

чорва ўсимликлар дунёсига катта зарар келтирмоқда. Кўчатзорлардаги ишларни ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Органик ва минерал ўғитлар вақтида солинмайди. Кўчатларни парвариш қилиш ҳам суст олиб борилади. Натижада сифати паст бўлади.

Вилоят шаҳарлари ва районларининг ободонлаштириш, йўл хизмати бошқармалари ўзларига қарашли ҳудудларда ўрмонларни парвариш қилиш, суғоритиш, қуриб қолган дарахтларни кесиб, уларнинг ўрнига янгидарини экиш, умуман, ўрмонларни тиклаш ва кенгайтириш иши билан деярли шугулланмаяптилар.

Жамоатчилик кенгаши вилоят ўрмон хўжаликлари, жамоа ва давлат хўжаликларининг ўрмонларни муҳофаза қилиш ва уларни тиклаш бўйича ишларини етарли эмас, деб ҳисоблади. Қарорда барча бундай хўжаликлар директорлари зиммасига ўрмонларни кенгайтириш, кўчат етиштиришни яхшилаш, агротехника ишлари даражасини кўтариш, техника ҳужжатларини ўрмон қонунчилиги талабларига мувофиқ сифатли олиб бориш, ўрмонлардаги дарахтлар ва бошқа ўсимликларни ҳимоя қилиш, уларнинг зараркундаларни ва касалликларига қарши курашни кучай-

тириш, егерлик хизматлари ишини яхшилаш, ўрмон қонунчилигини бузиш ҳолатлари ва браконьерликка қарши муросасиз кураш олиб бориш, ўрмонларда чорванинг боқилишига, ўзбошимчилик билан доривор ўсимликлар ва мева, резавор меваларнинг терилишига йўл қўймаслик ва бошқа шу каби қатор вазифаларни юклади.

Вилоят махсус нозирлиги зиммасига ўрмонларни кенгайтириш, хўжалик ва ўрмонларни муҳофаза қилиш ишлари, минерал ўғитларни, гербицидлар солишининг сифати устидан назорат ўрнатиш, доривор ўсимликлар ҳамда мевалар ва резавор меваларни йиғиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, ўрмон хўжалигини олиб боришда нуқсонларга йўл қўйилишининг олдини олиш ва бундай камчиликларни аниқлаш ҳамда вақтида бартараф этиш, чорванинг жойларда руҳсатсиз боқилишига йўл қўймаслик вазифаси юклатилди.

Қабул қилинган қарорда вилоят ўрмон хўжаликларининг самарадорлигини ошириш бўйича қатор масалалар ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги қўмиталарига ҳал қилиш учун ҳавола этилганлиги ҳам маълум қилинади.



### АЖОЙИБ ДАРАХТ

Инсоният «XX аср вабоси» ҳисобланган СПИД касалидан даволаниш йўлини қачонлардир топар, бироқ олимларни шу йўлдаги буюк кашфиётга олиб келувчи суқмоқларнинг бири, афтидан, абадул-абад йўқотилганга ўхшайди.

«Нью-Йорк дейли таймс» газетасининг хабар беришича, Мэриленд олимлари бундан икки йил муқаддам «каланоид» деб аталувчи моддан ажратиш олишга муваффақ бўлганлар, у инсон иммунодефицит вирусининг тарқалишини тўсиш бўйича «юз фонзли самарага» эга бўлган. Бу модда Малайзиянинг Саравак штати ҳудудида — Калимантан ороли ботқоқликларидан ўсувчи камёб ўсимлик шарбатидан бор экан. Институт ходимлари лаборатория тажрибалари учун ўсимлигининг янги намуналарини олиш учун Оролга ботаник экспедиция уюштирдилар. Бироқ бирорта ҳам ўсимлик топишга муваффақ бўлинмади. Афтидан маҳаллий аҳоли ўтган йиллар давомида бу ўсимликларни тўла ўриб ташлаганга ўхшайди.

### ЧҲЧҚАЛАРГА ЕМ БҮЛГАН БҮРИЛАР

Ҳа, бунинг ҳеч қандай мунозараси йўқ, бемалол ишонверинг. Киев вилоятининг Фастов туманидаги «Заря коммунизма» жамоа хўжалигининг чўчкачилик фермасида шундай ҳайратомуз воқеа содир бўлганлиги ҳақида «Ижевские новости» ҳафталик газетасида хабар берилган.

Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника тараққиёти ва тарғибот бўлими ҳамда «Тошкент ҳақиқати» газетаси ходимлари тайёрлаган.

Воқеа бундай бўлган. Бешта оч бўри чўчкахонага кириб, қонли базмга киришмоқчи бўлганида уч кундан бери ҳеч нарса емай оч ҳолда бўлган эркак чўчкалар ваҳшийларга қарши ҳужумга ўтганлар. Колхоз чўчкалари саноқли сонияларда чақирилмаган меҳмонларни ўраб олиб, уларнинг йўл-бошчисини ва учта ёш бўрини еб қўйишган. Фақатгина энг муғомбир катта урғочи бўри чўчкахонадан чиқиб кета олган. У ҳам олган жароҳатларидан ҳолсизланиб, узоққа боролмаган ва оламдан кўз юмган. Бу бўрининг биқинига чўчкалар тиши етказган жароҳатлардан қон оқар, думи, бир парча эти юлиб олинган эди.

### ҲН ИККИ ЙИЛ ОВҚАТ УСТИДА

«Яшаш учун емоқ, ейиш учун яшамоқ керак». Бу иборани кўпчилик яхши билди. Лекин шунга қарамай, ҳар бир киши ўз ҳаёти давомида ўртача 12 йилни овқатланиш билан ўтказар, шу йиллар давомида ўртача одам 50 тоннадан ортинч овқат еяр экан.

Ҳаммага маълумки, Францияда овқатланишни ниҳоятда севадилар. «Радио Франс интернационал»нинг хабар беришича, ҳисоб-китобларга қараганда ҳар бир ўртача статистик инсонни боқиб учун бир ферма керак бўлади, унда 5 та сигир, 15 та қўй, 16 та чўчка, 34 та қўён, салкам бир ярим мингта товуқ бўлиши лозим. Ўртача ҳар бир француз бутун ҳаёти давомида шунча нарсани тановул қилади. Албатта, бу ҳам таомноманинг ҳаммаси эмас.

Францияга қўшни бўлган мамлакатларда турли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш қандай аҳволда? Ирландияда ҳамма нарсдан картошка ва сут кўп тановул қилинади. Дониёда балиқлар ва бошқа денгиз маҳсулотлари, янги сабзавотларни деярли ҳамма мамлакатларда кўп тановул қилинади. Фақат Буюк Британия бундан мустаснодир. Франция эса Европада фақат маҳсулотнинг икки турини — мол гўштини ва албатта, вилони тановул қилиш бўйича олдинда туради.



# КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

## Душанба, 28. VI

● ҲТВ I

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
- 18.10 «Кичкинтой», студияси. «Совга».
- 18.40 «Шахрисабз ипак шаҳри». Телефильм.
- 18.50 «Бозор иқтисодиёти ва ногиронларини ижтимоий ҳимоя қилиш». Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг қурултойи олдидан.
- 19.25 Ўлонлар.
- 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.50 Ўлонлар.
- 19.55 «Тоғ кўллари» сирми. Телефильм.
- 20.10 Оқшом эртаклари.
- 20.25 Алишер Навоий номи-

- даги Ўзбек Давлат академик опера ва балет Катта театри яққохонларининг концерти.
- 20.55 Ўлонлар.
- 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 21.30 «Мерос». Баҳовуддин Нақшбанд.
- 22.10 «Тиниб тинчимасан қариялар». Бадий фильм.
- 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ҲТВ II

- 18.30 «Ассалому алайкум» [такрор].
- 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.50 «Диққат: шифокорлар маслаҳати».
- 20.20 «Лаҳза». Хабарлар.
- 20.35 «Билиб қўйган яхши».
- 20.55 «Лаҳза». Хабарлар.
- 21.10 «Қишлоқ изқувари». Бадий фильм.

● «ОРБИТА IV»

- 4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.

- 5.00 «Яқинлар».
- 5.45 «Тонг».
- 8.00 Янгилликлар.
- 8.20 «Нида дўстларини қўқаради». Илмий-оммабоп фильм.
- 8.35 «Гирдоб». Болалар учун Р. Брэдбери пьесаси асосида телеспектакль.
- 9.30 «Нима! Қарда! Қачон!».
- 10.30 «Гол».
- 11.00 Янгилликлар.

- 13.00 Теннис. Уимблдон турнири.
- 14.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан].
- 14.25 «Телемикст».
- 15.10 А. Сидельников. «Фортепиано ва оркестр учун русча концерт».
- 15.30 «Майя араси». Кўп серияли мультфильм.
- 15.55 «Теледнотомалар».
- 16.15 «Иқболи кулганда».
- 17.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан].
- 17.30 «Санкт-Петербургни оқ

- туллари». Халқаро мусикий фестивал хроникаси.
- 17.55 «Гол».
- 18.15 «Ҳафтанинг акс-садоси».
- 18.55 «Меценат». Бадий-публицистик кўрсатуви.
- 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
- 19.55 Ўлонлар.
- 20.00 Янгилликлар.
- 20.25 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 6-серия.
- 20.55 «Спорт умк-энди». «Янги студия» таништиради:
- 21.10 «Таржиман ҳола».
- 21.40 «Выбор-2000».
- 22.30 «Джем-сейши».
- 22.55 «Мен».
- 23.40 «Бомонд». Танаффус пайтида [23.00] — Янгилликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 7.30 «Ишбилармон кишилар даври».
- 8.00 Тонгги концерт.
- 8.15 «Кирриш ҳовли томондан».

- 9.10 Хонани эиран. «Фурур ва андиша». Бадий фильм.
- «Фредерик Форсайт таништиради» теллсериялидан (Овросий ТВ).
- 10.50 «Худди ўша Горни».
- 13.15 «Деҳқонларга таалуқли масала».
- 13.40 Кундузги сеанс. «Хайр, болалар». Бадий фильм.
- 15.00 «Американинг ёввойи табияти». Кўп серияли телефильм премьераси.
- 15.30 Янгилликлар.
- 15.45 «Фақат сиз учун».
- 16.15 Трансросэфир. «Сахов» кўрсати.

17.00—19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 19.00 «Россияда бизнес».
- 19.25 «Ретро-шлягер».
- 19.55 Катталар учун мультфильм.
- 20.05 Душанба кунини детектив. «Лаки страйк» таништиради.
- «Нолличи белги». Бадий фильм.
- «Криминал ҳодисалар» сериалидан.

- 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

- 21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
- 21.25 «Ҳақиқат онлари». Андрей Караулов саволларига Абухазия Олий Ненгашининг раиси Владислав Ардзинба жавоб беради.
- 22.20 Спорт кўрсатуви.
- 22.30 Волейбол бўйича жаҳон лигаси биринчилиги. Россия — Бразилия.
- 23.35 «Русская кавальиада» ансамбли.

## Сешанба, 29. VI

● ҲТВ I

- 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 7.30 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
- 8.10 «Оила сирлари». Бадий фильм.
- 9.35 Ўзбек тилини ўрганамиз.
- 10.05 «Аонтурнент-93». Она тили ва адабиётдан тест топшириқларини бажариш.
- 10.35 «Шифобахш ўсимликлар атрофимизда». Телефильм.
- 10.50 «Қадрдон маскан билан хайрлашув».
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
- 18.10 «Гул сайли». Наманган вилоятидан.
- 18.40 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт.
- 19.05 «Паркент тонги». Маҳмуд Тоиров шеърини.
- 19.25 Ўлонлар.
- 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.50 Ўлонлар.
- 19.55 Дунё воқеалари.
- 20.10 Оқшом эртаклари.

- 20.25 «Ўзбек халқининг содиқ қизи». Хадича Сулаймонова таваллудининг 80 йиллигига.
- 20.55 Ўлонлар.
- 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 21.30 «Ислоҳот ҳақида суҳбатлар».
- 21.40 «Агар севсанг». Шомаҳмуд Шораҳмедов куйлайди.
- 22.20 «Мулоҳаза». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театри бугун ва эртага.
- 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ҲТВ II

- 18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
- 19.20 «Ўзбекистоним». Телефильм.
- 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.50 «Шарқ лирикаси». Фафур Фулом.
- 20.20 «Муסיқали меҳмонхона».
- 21.00 Ўлонлар.
- 21.05 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

- 4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
- 5.00 Янгилликлар.
- 5.35 Эрталабки гимнастика.
- 5.45 «Тонг».
- 8.00 Янгилликлар.

- 8.20 «Қувноқ нотачалар».
- 8.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.
- 9.20 «Пацифидо одами». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 11-серия.
- 10.20 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 6-серия.
- 10.50 «Матбуот-экспресс».
- 11.00 Янгилликлар.

\*\*\*

- 13.00 Теннис. Уимблдон турнири.
- 14.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан].
- 14.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».
- 14.40 «Конверсия ва бозор».
- 15.10 «Ен дафтар».
- 15.15 «Майя араси». Кўп серияли мультфильм.
- 15.40 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 6-кўрсатуви.
- 16.05 «Настаринли авлод...». Д. Журавлёва.
- 16.50 «Технодром».
- 17.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан].
- 17.25 Давлатларо «Останкино» телеканали «Пешвоз чиқиб» кўрсатувини таниш-

- тиради.
- 17.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.
- 18.40 Москва кинофестивали олдидан.
- 18.55 «Маазу».
- 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
- 19.55 Ўлонлар.
- 20.00 Янгилликлар.
- 20.25 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 7-серия.
- 20.55 Ноёб халқ мусавирлари М. ва Ф. Промоченколар ҳақида ҳикоя.
- 21.50 «Матбуот-экспресс».
- 22.05 «МАСК — етмиш ёшда».
- 23.00 Янгилликлар.
- 23.40 «Максима».
- 00.10 «Кино талаб қилинадим».

● «ДУБЛЬ IV»

- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 7.30 «Ишбилармон кишилар даври».
- 8.00 «Винил чангалзорлари».
- 8.30 «К-2» таништиради. «Медиа».
- 9.20 «Кички салон» саҳифаларинда.
- 10.50 Хонани эиран. «Таванкалига II ёни жавоб эарбаси». Бадий фильм.
- 12.15 Ишдан бўш пайтинги»

- да. «Хонани клуб».
- 12.30 «Деҳқонларга таалуқли масала».
- 12.55 Кундузги сеанс. «Афюн» Бадий фильм.
- 14.05 «Параллеллар».
- 14.20 «Телематн».
- 14.30 Джаз куйларидан концерт.
- 15.05 «Телебиржа».
- 15.35 Янгилликлар.
- 15.50 «Рост» студияси. «Тонлабирит».
- 16.20 Юбилейга таклиф. «Каскад — 140 ёшда».
- 16.50 Спорт кўрсатуви.

17.00—19.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 19.30 Криминал хабарлар экрани.
- 19.40 Хонани эиран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 185-серия.
- 20.30 «Динозаврга айланмайлик».
- 20.45 «Танаффус». Олег Газманов куйлайди.

- 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

- 21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
- 21.25 «Кўҳна ленталар».
- 21.55 «Жаноблар-уртоқлар».
- 22.15 «Нархнини биз қўямиз». Телеуйини.
- 22.45 «Таврия ассамблеяси».

## Чоршанба, 30. VI

● ҲТВ I

- 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 7.30 «Ота ўғиллар». Телефильм.
- 8.00 «Шаҳар қалқони». Бадий фильм.
- 9.35 Турк тили.
- 10.05 «Бунёдкор».
- 10.35 «Абитуриент-93». Табий фильм бўйича тест топшириқларини бажариш.
- 11.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари [АҚШ].
- 11.20 «Бола бошидан». Мактабгача тарбия масалалари.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
- 18.10 «Учрашув». Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиёва.
- 19.05 «Санъат олимпиада».
- 19.25 Ўлонлар.
- 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.50 Ўлонлар.
- 19.55 Муסיқий дақиқалар.
- 20.10 Оқшом эртаклари.

- 20.25 «Ганжинан Самарқанд» ансамблининг концерти.
- 20.55 Ўлонлар.
- 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 21.30 Республика газеталарининг шарҳи.
- 21.40 «Пилла — бойлигимиз». Пиллакорларнинг меҳнат ғалабасига бағишланган кўрсатуви.

- 23.00 «Алангали сўқмоқлар». Бадий фильм.
- 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ҲТВ II

- 18.30 «Санъаткор ҳаётидан икки кун». Телефильм.
- 19.05 «Спринт».
- 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
- 19.50 «Қизиқарли учрашулар».
- 20.50 «Сен менинг қўшигимсан». Кинокомедия.

● «ОРБИТА IV»

- 4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
- 5.00 Янгилликлар.
- 5.35 Эрталабки гимнастика.
- 5.45 «Тонг».
- 8.00 Янгилликлар.
- 8.20 Мультфильм.
- 8.35 «Оддий Мария». Кўп се-

- рияли телевизион бадий фильм премьераси.
- 9.20 «Карна лақабли сувар». Илмий-оммабоп фильм.
- 10.20 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 7-серия.
- 10.50 «Матбуот-экспресс».
- 11.00 Янгилликлар.

\*\*\*

- 13.00 Теннис. Уимблдон турнири.
- 14.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан].
- 14.25 «Телемикст».
- 15.10 «Ен дафтар».
- 15.15 «Майя араси». Кўп серияли мультфильм.
- 15.40 «Муסיқий башорат». Кўп серияли телефильм премьераси.
- 16.20 «Клуб 700».
- 16.50 «Технодром».
- 17.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан].
- 17.25 Давлатларо «Останкино» телеканали «Энг яхши давр» кўрсатувини таништиради.
- 17.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.
- 18.40 «Миниатюра».
- 18.50 «Сиз учун учрашулар».

- В. Конечкий ва В. Шефнер.
- 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
- 19.55 Ўлонлар.
- 20.00 Янгилликлар.
- 20.25 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 8-серия.
- 20.55 «Қайтиш. Алла Солёнова билан учрашув».
- 21.30 «Серпантин». Кўрсатувини Марк Захаров олиб боради.
- 22.30 «Мен сизга қўшиқ куйлаб бераман».
- 23.00 Янгилликлар.
- 23.40 «I.—клуб».
- 00.25 «Матбуот-экспресс».
- 00.35 «Карна лақабли сувар». Илмий-оммабоп фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 7.30 «Ишбилармон кишилар даври».
- 8.00 Тонгги концерт.
- 8.15 «Ватаним менинг».
- 8.45 Мульт-пульти.
- 9.00 «Оталар нздан борар солдатлар...». Бадий фильм.
- 10.25 «Рек-тайм».
- 10.55 Хонани эиран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 185-серия.
- 11.45 Ишдан бўш пайтингида. «Коллекционер».
- 12.00 Христианлар учун кўрсатуви.

- 12.30 «Деҳқонларга таалуқли масала».
- 12.55 Санкт-Петербург балети. П. И. Чайковский. «Анна Каренина».
- 14.25 «Телематн».
- 14.30 «Бизнес: янги номлар».
- 15.00 Янгилликлар.
- 15.15 «Рост» студияси. «Кимнинг томони?».
- 15.45 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
- 16.30 Криминал хабарлар экрани.
- 16.40 «Ҳар бир кун байрам».
- 16.50 Спорт кўрсатуви.

17.00—19.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 19.25 Хонани эиран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 186-серия.
- 20.15 «Сиз яратган бог».
- 20.45 Катталар учун мультфильм.

- 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

- 21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
- 21.25 «40 дақиқа». ОФ-БН-Эс ва Россия телевидениесининг кўрсатуви.
- 22.20 «Ксюша ҳузурда».
- 22.50 Баскетбол шарҳи.
- 23.20 «Эзотика».



## ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА

Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги қoшидаги республика ўқувчилар саройи шу кунларда болалар билан гавжум. Бу ерда ташкилий услубият, амалий ва тасвирий санъат, нафосат ҳамда фан ва техника бўлимлари ишлаб турибди. Тўғаракларга 4 мингдан кўпроқ бола қатнамоқда. «Нафосат» бўлими таркибидagi «Чаман», «Юлдуз», «Ғунча», «Қуёшча», «Парвоз», «Бойчечак» сингари дасталар шаҳар ташқарисидagi оромгоҳларда бўлиб, санъати билан тенгдошларини хушнуд этмоқда.

Саройда шаҳар ҳамда шаҳар атрофидаги оромгоҳлар учун ҳафтада икки марта очиқ эшиклар куни, шунингдек, иқтидорли болалар слетини ўтказиш анъана бўлиб қолди. Дўппи гиниш, сандиқсоалик тўғараклари ташкил этилаётир.

— Ҳозир кўпгина болалар саройлари пулди хизматга ўтди, — дейди сарой директорининг ўринбосари Дилором Хўжаева. — Лекин биз бу йўлдан бормоқчи эмасмиз. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, болаларга бепул хизмат қиляпмиз.

С. ҚИЛИЧЕВА,  
ЎЗА мухбири.

## ДЎСТ КЎНГЛИНИ ДЎСТ ТОПАР

● БОЛАЛИКДАН бирга ўсиб, улғайган қадрдон дўстлар республика халқ таълими аълочиси Убайдулла Расулов ва Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимовлар бир пиёла чой баҳона турмуш сарҳадларидан суҳбатлашмоқдалар.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган.

## БОЛАЛАРГА СОВҒА

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов илгари ўзига совға қилинган отни А. П. Хлебущкина раҳбарлигидаги 22-болалар уйи тарбияланувчиларига совға қилди. Болалар совгани мамнуният билан қабул қилишди. (ЎЗА).

## \* Футбол \*

Қўшни Тожикистоннинг Бўстон районидagi қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми стадионида футбол бўйича бўлиб ўтган очиқ турнир меҳнат ва уруш фахрийси Хидир Равашов хотирасига бағишланди. Унда иштирок этган ўн битта жамоадан иккитаси Бўна ва Бекобод районларидан, қолганлари эса Хўжанд вилоятига қарашли футбол жамоалари эди. Бўна райони вакили «Зарафшон» жамоаси «Мустақил Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Навобод участкасида яшаб.

## ДЎСТЛИК ТУРНИРИ ҒОЛИБИ

меҳнат қилаётган маҳаллий ёшлардан ташкил топган «Зарафшон» ўз гуруҳидаги барча ўйинларда ғолиб чиқиб, финалга йўланма олди.



Финалда Бўстон районининг «Барқ» жамоаси билан куч синашган вакилларимиз ўйиннинг асосий вақтини 3:3 ҳисобида дуранг билан аяқлашди, белгиланган қўшимча вақт ҳам натижа бермади. Шундан сўнг ғолибни аниқлаш учун 11 метрли жарима тўплари тепиш белгиланди. Бунда омад «Зарафшон»га кулиб боқди. Дўстлик турнири ғолиби «Зарафшон» сардори Давлат Сангиновга кубок ва қимматбаҳо совринлар топширилди. Жамоа хўжалиги футбол командасининг бундай муваффақиятга эришувида мураббий Шоди Шодиевнинг хизматлари катта.

Т. ҲАЙДАРОВ,  
Бўна райони.

СУРАТДА: ғолиб командаси «Зарафшон» ўйинчилари.

Мухаррир  
Н. НАСИМОВ.

## ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

«МАГИСТР» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
КОРХОНАСИ

Узумчиликда, полиэтиленда, бондорчиликда кул, шира, оқчивин, ўргимчакканага қарши ишлатиладиган олтингугурт асосида юқори ёпишқоқликка эга патентланган

«СЕРАПОЛ» ПРЕПАРАТИНИ

1-5 тоннагача миқдорда

СОТАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 1-уй  
ТКТИ, 1-қават 21-хона.

Телефонлар: 47-00-78, 47-86-29.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг қишлоқ насалхонасининг учбурчакли ва дори харид қилиш учун бериладиган рухсатнома муҳрлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ангрен ижара кулолчилик корхонасининг маъмурияти ва жамоаси директор ўринбосари

Олимжон Мусажонович ИСАЕВнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

## ТИРИК НИШОН

Олма Ота шаҳрида автобус бекатларидан бирида шундай эълон пайдо бўлди: «Ўқотувчи қуроллар билан машқлар пайтида ўзимни тирик нишон сифатида таклиф этман. Ҳақи юқори».

Бу ўйин эмас. Ҳақиқатдан ҳам пойтахтнинг ҳилват бурчагида яшаيدиган йигит ўзига «Макаров» ва бошқа тўшпончалардан 17 метр наридан туриб ўқотишларига рухсат берарди. Албатта, ажалга юзма-юз бўлишдан олдин бронезебет кийиб олади ва мерганга таянмайди. «Бошимга ва белимдан пастга отилмасин».

Йигит бештадан кам бўлмаган ўқ зарбига чидам беради ва ҳар бир «отилиш» дан кейин 10—11 минг сўмдан пул олади. Бойвачча мерганларга тирик нишон бўлиш унчалик қиммат турмаса ҳам, лекин, гузал денгиз, аниқса, томошабин аёллар унга завқ бағишлайди. Тирик нишон агар ҳалок бўлсам, онамга миллион сўм топширишлар деб васият қилишни ҳам унутмайди. Ҳозирча собиқ жангчи ва собиқ қурувчи айрим жароҳатларини ҳисобга олмаганда, соғ-саломат. У буюртмаларни бир ой олдин олади.

## ТИЛЛА ТИШЛАРИНИ СУҒУРИБ ОЛИШДИ

Пийнисталарнинг ичкиликка пул топиш борасидаги антиқа топқирликлари тўғрисида ҳатто узоқ вақтдан бери хизмат қилиб келадиган милиция ходимлари ҳам эшитишмаганди.

Пермь шаҳрида 39 ёшли аёлни икки киши биргаликда спиртли ичимлик ичиш учун квартиралардан бирига таклиф этишди. Иштаҳа эндигина очилганда, ичкилик тугаб қолди. Шунда улар аёлдан пул талаб қила бошладилар. Лекин, унда пул йўқ эди. «Улфат»лар аёлни полга йиқитиб, оғзидан икки тилла тишини суғуриб олишди.

Улфатларнинг шахси аниқланиб, милиция қидирув эълон қилди. Аёлга етказилган зарар 50 минг сўмни ташкил этибди.

## ТАҚИР БОШЛАР УЧУН... СОВРИН

Челябинскдаги одамлар сочини сотиб олувчи фирманинг рекламаси катта шов-шувга сабаб бўлди. Рекламада айтилишича, узунлиги 20 сантиметр бўлган 1 кило соч топширган кишиларга бир неча минг сўм берилар экан. Бундан ташқари, уларга бош соврин — ўз омадларини синаб кўриш учун суперлотерея ўйинида бепул қатнашиш имконияти берилар экан. Юзлаб челябинскилик

лар тақир бош бўлиш учун фирманинг қабул пунктига оқиб кела бошладилар. «Европейские — Азиатские новости» агентлигининг ҳабар беришича, Советский район прокуратураси фирманинг бу фаолияти кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин, деб ҳисобламоқда.

«Труд»дан